

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Навоий вилояти ҳокимлиги
ҳузуридаги Жамоатчилик
Кенгаши раиси
Н.Тоғаева
12.03.2026 йил



**Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик
Кенгашининг жамоатчилик кенгаши аъзоларининг Одоб-ахлоқ
қоидаларини тасдиқлаш бўйича ўтказилган йиғилиши**

БАЁННОМАСИ

2026 йил “12” март

Навоий шаҳри

Модератор:

Н.Тоғаева — Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик Кенгаши раиси

Қатнашдилар:

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши
аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, давлат ва жамоат
ташкilotлари вакиллари, ННТлар, ОАВ вакиллари

Таклиф этилганлар:

Вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, иқтисодий ривожлантириш,
инвестиция, туризм, инфратузилма ва ижтимоий соҳалар
мутасаддилари

КУН ТАРТИБИ:

1. Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши
аъзоларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини кўриб чиқиш ва
тасдиқлаш

I. Кириш қисми

Йиғилишни очиб берган Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик Кенгаши раиси Н.Тоғаева сўзга чиқиб, бугунги кунда
жамоатчилик назорати институтини ривожлантириш, давлат органлари
фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашда Жамоатчилик
кенгашларининг ўрни тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Шу нуқтаи назардан, Кенгаш аъзоларининг фаолиятида ягона
одоб-ахлоқ стандартларини белгилаш, уларнинг жамоатчилик

олдидаги масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Шундан сўнг, Жамоатчилик Кенгаши аъзоларининг Одоб-ахлоқ қоидалари лойиҳаси муҳокама учун тақдим этилди.

II. Асосий қисм

Муҳокамалар давомида Кенгаш аъзолари томонидан мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, унинг амалий аҳамияти ва жорий этиш механизмлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жумладан:

- **Р.Рустамов** ўз чиқишида Одоб-ахлоқ қоидалари жамоатчилик кенгаши аъзолари фаолиятида қонунийлик, холислик ва жамоат манфаатларига содиқликни таъминлашда муҳим мезон бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб, ҳужжатни қабул қилишни қўллаб-қувватлади.
- **Ж.Ҳамроев** мазкур қоидаларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини қайд этди. Шу билан бирга, ҳужжатни амалиётга самарали татбиқ этиш бўйича таклифлар билдирди.
- **М.Хамидов** ўз сўзида Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг жамоатчилик олдидаги масъулияти юқори эканини таъкидлаб, мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари Кенгаш нуфузини ошириш, фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилишини билдирди. Шунингдек, ҳужжатда белгиланган нормаларга қатъий амал қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Муҳокамалар жараёнида иштирокчилар томонидан ҳужжатни янада такомиллаштириш бўйича айрим таҳририй таклифлар билдирилди ва улар инobatга олинди.

III. Якуний қисм

Йиғилиш якунида Жамоатчилик Кенгаши томонидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши аъзоларининг Одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқлансин.
2. Кенгаш аъзолари мазкур қоидалар билан белгиланган тартибда таништирилсин ва уларнинг ижроси таъминлансин.
3. Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш устидан доимий жамоатчилик назорати ўрнатилсин.
4. Қоидалар талабларини бузиш ҳолатлари юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўриш механизми жорий этилсин.

Жамоатчилик Кенгаши котиби:

М.Хамидов

**Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
жамоатчилик кенгаши аъзоларининг**

ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоларининг одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар аъзоларнинг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, жамоатчилик кенгаши аъзоларида юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш мажбурияти уларнинг кенгаш аъзолигига қабул қилинган кундан эътиборан келиб чиқади.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

4. Жамоатчилик кенгаши аъзолари қонун ҳужжатлари ҳамда Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг жамоатчилик фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

2-боб. Жамоатчилик кенгаши аъзолари хизматдаги хулқ-атворининг

асосий принциплари ва қоидалари

5. Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўз жамоатчилик фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

6. Жамоатчилик кенгаши аъзолари қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ва идоровий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ёки хизмат вазифаларини амалга ошириши жараёнида қонун талабларига зид бўлган бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, шунингдек ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

хизмат вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва малакага эга бўлиш ҳамда касб-маҳоратини доимий равишда ошириб бориш;

Жамоатчилик кенгашига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида берилган ваколатларни қонун ҳужжатлари доирасида амалга ошириш, сансалорлик ва кўзбўямачилик ҳолатларига йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш мақсадида фойдаланмаслик;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

Ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ва муассасаларининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлиш, шу жумладан юриш-туриш, кийиниш ва муомалада ўз ҳамкасбларига ижобий томондан ўрнак бўлиш;

ишониб топширилган хизмат хоналаридан, давлат мулки, моддий-техника жиҳозлари ва материалларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, бинодаги мавжуд товар-моддий бойликлар, идора жиҳозлари, асбоб-ускуна, электр техника воситаларидан тежамкор, мақсадли ва ахборот, техника, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этган ҳолда самарали фойдаланиш;

ўз иш жойида ва ҳудудида жамоат тартиби, ёнғин ва техника хавфсизлигини таъминлашда, мазкур масала юзасидан тегишли йўриқномаларда белгиланган қоидаларга риоя этиш, тартиб-интизом ва хавфсизлик чораларини кўришда ташаббускорлик билан ҳаракат қилиш;

шахсий манфаатдорлиги муносабати билан хизмат вазифаларини холисона бажаришига тўсқинлик қилиши ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида ўз раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

7. Жамоатчилик кенгаши аъзолари иш вақти даврида иш жойида бўлиши (раҳбарият топшириғи ёхуд даволаниш, меҳнат таътили, бошқа узрли сабаблар билан иш жойидан ташқарида бўлган ҳолатлар бундан мустасно), иш вақтида алкоголь, спиртли ёки одамни маст ҳолатга олиб келувчи бошқа ичимликларни истеъмол қилмаслиги, эркин фуқаролик муомаласида бўлиши тақиқланган ёки эркин фуқаролик муомаласида бўлиши чекланган моддалар ва воситаларга эга бўлмаслиги, олиб юрмаслиги ва уларни истеъмол қилмаслиги талаб этилади, ҳушёрликни йўқотиб, маст ва сархуш ҳолатда иш жойига келиши тақиқланади.

8. Аъзоларнинг иш жойида, шу жумладан, ҳокимлик биноси ва ҳудудида ҳамда бошқа жамоат жойларида, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар бундан мустасно, шунингдек жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш тақиқланади.

9. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар ходимнинг қонун ҳужжатлари талабларини ҳамда Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

10. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

11. Жамоатчилик кенгаши аъзолари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

Ходимга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда муайян ҳаракатни бажариши ёки бажармаслиги эвазига бевосита ўзи ёки воситачи орқали пул, қимматли қоғозлар, моддий бойликлар, совғалар, ссудалар, мулкӣ моҳиятга молик бўлган хизматлар (шу жумладан, транспорт воситасидан фойдаланиш, даволаниш ва бошқалар) каби таклифлар билан мурожаат қилинган тақдирда, у ноқонунӣ хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиши ва таклиф қилган шахсни тегишли жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши лозим.

Бунда ходим порага мойиллик сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга ва сўзларга йўл қўймаслиги, мазкур ҳолат бўйича, шунингдек унга бошқа давлат хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги маълум бўлган ҳолатларда зудлик билан тегишли таркибий бўлинма раҳбарларини ёзма тарзда хабардор қилиши, бунинг имконияти бўлмаган ҳолатларда эса, телефон орқали хабар бериши ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга дарҳол мурожаат этиши лозим.

Жамоатчилик кенгаши раҳбарлари қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши факти тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, ҳудди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ходимларнинг ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўйилмаслигини таъминлаши керак.

12. Жамоатчилик кенгаши аъзолари касбий фаолияти давомида ўзига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриши шарт.

13. Жамоатчилик кенгаши раҳбари ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши, шунингдек ўз бўйсунувидаги ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, бошқа қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл

қўймаслиги, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш, шунингдек тизимда коррупцияга қарши курашишда яқиндан ёрдам бераётган ходимларни турли тазйиқлардан ҳимоялаш ва уларни рағбатлантириш чораларини кўриши;

ўзи раҳбарлик қилаётган жамоатчилик кенгаши аъзоларига раҳнамолик (асоссиз рағбатлантириш) ёки уларнинг ножўя ишларига бепарволик (фаолиятидаги камчиликлар учун тегишли чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларига эътибор бермаслик), шунингдек интизомий жазо чораси қўллаш борасида ўзига берилган ваколат доирасидан четга чиқиш ёки лозим бўлган ҳолларда жазо чораси қўлламаслик ҳолатларига йўл қўймаслиги;

ишга бўлган муносабати ва ижобий хислатлари билан жамоада соғлом ва аҳил маънавий муҳитни шакллантириш чораларини кўриши;

Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг шундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

14. Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа ходимлар билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик муҳити қарор топишига интилишлари лозим.

Хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Ходим ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ходимнинг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

Аъзолар хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир

эмаслиги, бундай хатти-ҳаракатларда қатнашмаслиги ва уларга йўл қўймаслиги керак.

15. Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўзларининг мансаб мавқеи тўғрисида маълум бўлган сир сақланадиган маълумотдан, шунингдек махфий ва хизмат доирасида фойдаланиш учун белгиси мавжуд бўлган ҳамда бошқа турдаги конфиденциал ахборотдан касби билан боғлиқ бўлмаган фаолиятида фойдаланиши ёки уни ошкор қилиши мумкин эмас.

16. Жамоатчилик кенгаши аъзолари ёзма ва оғзаки мурожаатлар билан келган фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан муносабатда ҳушмуомала, муҳокама этиладиган масала юзасидан ўз фикрини тегисли қонун ва қонуности ҳужжатларга асосланган ҳолда қисқа ва аниқ ифода этиши талаб этилади.

17. Чет эл ваколатхоналари, компания, фирма, корпорация, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда моливий муассасаларнинг вакиллари, хорижий давлатлар фуқаролари ҳокимликка ташрифида, шунингдек улар билан алоқа воситалари орқали муносабатларда ходим ҳушмуомалали бўлиши, мамлакатимиз, миллий маданиятимиз ва маънавиятимиз тўғрисида салбий фикр тўғилишига олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши, муҳокама этиладиган масала юзасидан ўз фикрини аниқ ифода этиши талаб этилади.

18. Жамоатчилик кенгаши аъзолари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда жисмоний ва юридик шахсга уларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан, агар уларда давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи ҳамда бошқа конфиденциал маълумотлар мавжуд бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши, мурожаатларни кўриб чиқишда қонунга ҳилоф ҳаракатга (ҳаракатсизликка) барҳам беришга доир чора-тадбирларни дарҳол кўриши, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаши, мурожаат этганлиги муносабати билан жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари таъқиб қилинишига белгиланган тартибда барҳам бериши шарт.

19. Жамоатчилик кенгаши аъзолари жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга ҳаракат қилмаслиги, жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилишига йўл қўймаслиги керак.

20. Турмушда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш Жамоатчилик кенгаши аъзолари хулқ-атворининг таркибий қисми ҳисобланиб, давлат хизматчисига мос камтарона кийиниши талаб этилади.

21. Жамоатчилик кенгаши аъзолари оила аъзолари, қариндошлари ва бошқа шахслар томонидан унинг хизмат вазифаларига ва фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашишига, улар томонидан жамоатчилик кенгаши обрўси ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги лозим.

3-боб. Манфаатлар тўқнашуви

22. Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви ходимнинг шахсий манфаатлари унинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари шахсий манфаатдорлиги унинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда давлат хизматчилари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

4-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

23. Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун нормаларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортишгача асос бўлиши мумкин.

24. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси, махсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли Жамоатчилик кенгаши аъзоларидан камида беш кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари тегишли Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари

бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Одоб-ахлоқ қоидалари бузилган деб топилган ҳолатлар юзасидан тегишли Жамоатчилик кенгаши раҳбарига интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоидабузилишнинг хусусияти, қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атворини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан келгусида Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатларига йўл қўймаслиги тўғрисида огоҳлантириш билан чекланиш мумкин.

Кенгаш аъзоси ўзи йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек тегишли раҳбарнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Якуний қоида

25. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Жамоатчилик кенгаши йиғилиши баёнига асосан амалга оширилади.